БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ | JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

MAKHMUDOVA Maryamjon Khaitovna
PhD, Associate Professor
Tashkent State Medical University
KHUDAYBERGANOV Anatoliy Sagatbaevich
Doctor of Medical Sciences, Professor
Center for the Development of Professional Qualifications of Medical Workers

24-HOUR URINARY SODIUM EXCRETION AS A HYGIENIC CRITERION FOR ASSESSING SODIUM INTAKE IN PATIENTS WITH CARDIOVASCULAR DISEASES

For citation: Maryamjon Khaitovna Makhmudova, Anatoliy Sagatbaevich Khudayberganov. 24-hour urinary sodium excretion as a hygienic criterion for assessing sodium intake in patients with cardiovascular diseases.

http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.22703279

ABSTRACT

This article presents the results of a hygienic analysis of daily salt intake and sodium excretion among monitored patients with cardiovascular diseases and officially recognized disabilities. The aim of the study was to assess, from a hygienic perspective, the level of salt intake and 24-hour urinary sodium excretion in patients with cardiovascular diseases.

A total of 140 patients participated in the study. Dietary intake was assessed using the 24-hour dietary recall method and a specially designed questionnaire. To determine the amount of sodium entering the body, sodium excretion in 24-hour urine samples was measured. Based on the obtained results, the daily level of salt intake was calculated.

According to the study results, sodium excretion was 218.4±12.6 mmol/day in men and 189.7±10.8 mmol/day in women ($p<0.05$). Daily salt intake was 12.8±0.7 g in men and 11.1±0.6 g in women. In the majority of participants, salt intake exceeded the World Health Organization recommended limit of 5 g per day.

The seasonal analysis demonstrated that during winter, the increased energy value of the diet and higher salt intake were associated with frequent consumption of pickled foods and other products high in salt. At the same time, insufficient consumption of fresh vegetables and fruits was identified. Twenty-four-hour urinary sodium excretion is considered a reliable biomarker of actual salt intake in the population. Research in this area is ongoing.

Keywords: healthy nutrition, dietary salt, sodium excretion, arterial hypertension, nutritional status, prevention.

МАХМУДОВА Марямжон Хаитовна
PhD, доцент
Тошкент давлат тиббиёт университети
ХУДАЙБЕРГАНОВ Анатолий Сагатбаевич

т.ф.д., профессор
Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

ЮРАК-ҚОН ТОМИР ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА НАТРИЙ ИСТЕЪМОЛИНИ БАҲОЛАШНИНГ ГИГИЕНИК МЕЗОНИ СИФАТИДА КУНЛИК НАТРИЙ ЭКСКРЕЦИЯСИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу тадқиқотда назорат остига олинган **ю**рак-қон томир тизими касалликлари билан хасталанган ногиронлик кайт қилинган patsiентларнинг кунлик ош тузи истеъмоли ва унинг экскрециясининг миқдорини гигиеник таҳлил материаллари келтирилган. Тадқиқотнинг мақсади юрак-қон томир тизими касалликлари билан хасталанган беморларда ош тузи истеъмоли даражаси ва 24 соатлик натрий экскрецияси кўрсаткичларини гигиеник баҳолашдан иборат бўлди. Тадқиқотда 140 нафар бемор иштирок этди. Овқатланиш ҳолати 24 соатлик овқатланишни эслаш усули ва махсус сўровнома ёрдамида баҳоланди. Организмга тушган натрий миқдорини аниқлаш мақсадида 24 соатлик сийдикда натрий экскрецияси ўрганилди. Олинган натижалар асосида ош тузи истеъмоли даражаси ҳисоблаб чиқилди. Тадқиқот натижаларига кўра, эркакларда натрий экскрецияси 218,4±12,6 ммоль/кун, аёлларда эса 189,7±10,8 ммоль/кун ташкил этди ($p<0,05$). Кунлик ош тузи истеъмоли эркакларда 12,8±0,7 г, аёлларда эса 11,1±0,6 г бўлди. Текширилувчиларнинг аксариятида ош тузи истеъмоли жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган 5 г/кунлик меъёрдан юқори эканлиги аниқланди. Мавсумий таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, йилининг қиш фаслида энергетик қиймат ва ош тузи истеъмоли юқорилиги тузламалар ва тузли маҳсулотлар билан боғлиқлиги, соф сабзавот ва меваларнинг истеъмолини эса камлиги аниқланди. 24 соатлик натрий экскрецияси аҳолида ҳақиқий туз истеъмолини баҳолашнинг ишончли биомаркери ҳисобланади.

Калит сўзлар. соғлом овқатланиш, ош тузи, натрий экскрецияси, артериал гипертензия, нутритив статус, профилактика

МАХМУДОВА Марямжон Хаитовна
PhD, доцент
Ташкентский государственный медицинский университет
ХУДАЙБЕРГАНОВ Анатолий Сагатбаевич
д.м.н., профессор
Центр развития профессиональной квалификатsii медицинских работников

СУТОЧНАЯ ЭКСКРЕЦИЯ НАТРИЯ КАК ГИГИЕНИЧЕСКИЙ КРИТЕРИЙ ОЦЕНКИ ЕГО ПОТРЕБЛЕНИЯ У PATSIЕНТОВ С ЗАБОЛЕВАНИЯМИ СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТОЙ СИСТЕМЫ

АННОТАЦИЯ

В статье представлены материалы гигиенического анализа суточного потребления поваренной соли и экскреции натрия у находившихся под наблюдением пациентов с заболеваниями сердечно-сосудистой системы, имеющих установленную инвалидность. Целью исследования являлась гигиеническая оценка уровня потребления поваренной соли и показателей 24-часовой экскреции натрия у patsiентов с заболеваниями сердечно-сосудистой системы.

В исследовании приняли участие 140 пациентов. Характер питания оценивали методом 24-часового воспроизведения рациона и с помощью специально разработанного опросника. Для определения количества поступившего в организм натрия изучали его экскрецию с суточной мочой. На основании полученных результатов рассчитывали уровень потребления поваренной соли.

По результатам исследования экскреция натрия у мужчин составила 218,4±12,6 ммоль/сут, у женщин -189,7±10,8 ммоль/сут ($p <0,05$). Суточное потребление поваренной соли у мужчин составило 12,8±0,7 г, у женщин -11,1±0,6 г. У большинства обследованных уровень

потребления поваренной соли превышал рекомендованную Всемирной организацией здравоохранения норму -5 г в сутки.
Результаты сезонного анализа показали, что в зимний период повышенная энергетическая ценность рациона и более высокое потребление поваренной соли были связаны с частым употреблением солений и других продуктов с высоким содержанием соли. Одновременно было установлено недостаточное потребление свежих овощей и фруктов.
24-часовая экскреция натрия является надёжным биомаркером фактического потребления соли населением. Исследования в данном направлении продолжаются.
Ключевые слова: здоровое питание, поваренная соль, экскреция натрия, артериальная гипертензия, нутритивный статус, профилактика.

Кириш. Юрак-қон томир тизими касалликлари бугунги кунда дунё аҳолиси саломатлигига жиддий таъсир кўрсатаётган энг долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу касалликлар меҳнатга лаёқатсизлик, ногиронлик ва барвақт ўлимнинг асосий сабаблари қаторига киради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили миллионлаб инсонлар артериал гипертензия, ишемик юрак касаллиги ҳамда сурункали юрак етишмовчилиги билан боғлиқ асоратлар оқибатида ҳаётдан кўз юммоқда (21,22,23).

Юрак-қон томир тизими касалликларининг юзага келиши ва ривожланишида ўзгартирилиши мумкин бўлган хавф омиллари алоҳида аҳамиятга эга. Улар орасида овқатланиш таркиби, айниқса ош тузини меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш энг муҳим омиллардан бири сифатида қаралади. Натрийнинг ортиқча қабул қилиниши артериал қон босимининг ошишига, сув-туз мувозанатининг бузилишига, буйракларга функционал юклама ортишига ҳамда юрак-қон томир тизимига салбий таъсир кўрсатувчи патофизиологик жараёнларнинг кучайишига олиб келиши мумкин (18,20, 21,22,23).

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти катта ёшдаги аҳоли учун кунлик ош тузи истеъмолини 5 граммдан оширмасликни тавсия этади. Бироқ турли мамлакатларда ўтказилган тадқиқотлар аҳолининг ҳақиқий туз истеъмоли ушбу меъёрдан анча юқори эканлигини кўрсатмоқда (20,26,27,28,29). Ўзбекистон аҳолисида ҳам ушбу ҳолат сақланиб қолаётгани юрак-қон томир касалликлари профилактикаси нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади (1,2,4,5,6,11,17).

Сўнгги йилларда аҳолининг турли қатламлари орасида соғлом овқатланиш талабларининг издан чиқиши натижасида, алиментар боғлиқ касалликлардан, овқат хазм қилиш тизими, айрув тизми, буйрак касалликлари, жигар ва бошқа касалликлари организмга тушаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, унинг сон ва сифат кўрсаткичлари, ичимлик сувининг сифати, кунлик ош тузининг таркибидаги натрий миқдорини баҳолашда 24 соатлик сийдикда натрий экскрециясини аниқлаш энг ишончли ва объектив усуллардан бири сифатида эътироф этилмоқда (7,8,9,10,12,14,15,16,24,25). Мазкур биомаркер аҳолининг ҳақиқий туз истеъмолини баҳолаш, эпидемиологик таҳлилларни амалга ошириш ҳамда профилактик дастурлар самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

Бугунги кунда турли иш шароитларида ишлайдиган ишчиларнинг иш шароити, овқатланиш ҳолати ва унинг таркибидаги олий навли нон ва нон маҳсулотларининг 3,4 мартага, йилнинг турли фаслларида шакарли қахванинг миқдорини 2-4 мартага, ош тузининг миқдори 4,5 мартага ортиқчалиги аниқланган ва бу турли алиментар боғлиқ касалликлари, қандли диабет, буйрак касалликлар, токсик гепатит, парадонтоз, темир танқислик камқонлик касаллиги ва унинг оқибатида юрак қон томир тизими касаллкиларининг асоратланишга олиб келиши қатор маҳаллий муаллифларнинг ишлари қайт қилинган (3,8,9,15,16,18,19,20).

Шундан келиб чиқиб, юрак-қон томир тизими касалликлари билан хасталанган беморларда ош тузи истеъмоли даражасини ҳамда 24 соатлик натрий экскрецияси кўрсаткичларини комплекс гигиеник баҳолаш, улар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш ва профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш соҳа ходимлари олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади - юрак-қон томир тизими касалликлари билан хасталанган беморларда кунлик ош тузи истеъмоли ва 24 соатлик натрий экскрецияси кўрсаткичларини гигиеник жиҳатдан баҳолаш ҳамда уларнинг профилактик аҳамиятини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг материал ва усуллари. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасида юрак-қон томир тизими касалликлари ташхиси қўйилган 140 нафар бемор иштирокида ўтказилди. Тадқиқотга артериал гипертензия, ишемик юрак касаллиги ҳамда сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд бўлган беморлар жалб этилди.

Иштирокчиларнинг овқатланиш хусусиятларини ўрганиш мақсадида 24 соатлик овқатланишни эслаш (24-hour dietary recall) усули ва стандартлаштирилган махсус сўровномадан фойдаланилди. Ушбу маълумотлар асосида кунлик рационнинг энергетик қиймати, асосий нутриентлар (оқсил, ёғ ва карбонсувлар) миқдори, ош тузи истеъмоли ҳамда сабзавот ва мева маҳсулотларининг рациондаги улуши ҳисоблаб чиқилди.

Организмга тушаётган натрий миқдорини объектив баҳолаш учун иштирокчилардан 24 соат давомида йиғилган сийдик намуналари олинди. Лаборатория таҳлиллари натижалари асосида натрий экскрецияси аниқланди ва ушбу кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда суткалик ош тузи истеъмоли ҳисобланди.

Олинган барча маълумотларга статистик ишлов берилди. Натижалар ўртача арифметик қиймат (M) ва ўртача қийматнинг стандарт хатолиги (m) кўринишида ифодаланди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқларни баҳолашда Стьюдентнинг t-мезонидан фойдаланилди. Статистик ишончлилик мезони сифатида **p <0,05** қиймати қабул қилинди.

Олинган натижалар. Текширилувчиларнинг овқатланиш patsioни таҳлили йил фаслларига қараб маълум фарқлар мавжудлигини кўрсатди. Қиш фаслида patsioннинг энергетик қиймати ҳамда асосий нутриентлар миқдори ёз фаслига нисбатан юқори эканлиги кузатилди. Шунингдек, мазкур даврда ош тузи истеъмоли кўпайган, сабзавот ва мева маҳсулотларининг улуши эса камайган.

1-жадвал

Текширилувчиларнинг ёз ва қиш фаслларидаги кунлик овқатланиш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ёз фасли (M±m)	Қиш фасли (M±m)
Кунлик энергетик қиймат, ккал	2410,3 ± 23,4	2578,6 ± 26,1
Оқсиллар, г	78,4 ± 1,0	84,7 ± 1,2
Ёғлар, г	96,2 ± 1,8	108,5 ± 2,1
Углеводлар, г	302,1 ± 3,4	319,6 ± 3,8
Ош тузи истеъмоли, г	8,4 ± 0,2	9,8 ± 0,2
Сабзавот ва мевалар, г	265,4 ± 6,1	198,3 ± 5,4
Овқатланиш сони, марта/кун	3,0	3,0

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қиш фаслида овқат рационнинг энергетик қиймати ва асосий озиқ моддалар миқдори ошган. Айниқса, ош тузи истеъмоли ёз фаслига нисбатан юқори бўлган. Шу билан бир вақтда, янги сабзавот ва мева маҳсулотларини қабул қилиш даражаси қиш мавсумида пасайган.

24 соатлик сийдикда натрий экскрецияси таҳлили жинслар кесимида фарқ мавжудлигини кўрсатди. Эркакларда ушбу кўрсаткич аёлларга нисбатан юқори бўлиб, статистик жиҳатдан ишончли фарқ қайд этилди (p <0,05).

2-жадвал

24 соатлик натрий экскрецияси асосида ҳисобланган ош тузи истеъмоли кўрсаткичлари (n=140)

Кўрсаткич	Эркаклар (n=65)	Аёллар (n=75)	p
Натрий экскрецияси, ммоль/кун	218,4 ± 12,6	189,7 ± 10,8	<0,05
Натрий миқдори, г/кун	5,02 ± 0,29	4,36 ± 0,25	<0,05
Ош тузи истеъмоли, г/кун	12,8 ± 0,7	11,1 ± 0,6	<0,05
ЖССТ тавсиясига мос (<5 г/кун), n (%)	5 (7,7)	9 (12,0)	>0,05

ЖССТ тавсиясидан юқори (>5 г/кун), n (%)	60 (92,3)	66 (88,0)	>0,05

2-жадвал натижаларига мувофиқ, эркакларда натрий экскрецияси **218,4±12,6 ммоль/кун**, аёлларда эса **189,7±10,8 ммоль/кун**ни ташкил этди. Шу асосда ҳисобланган кунлик ош тузи истеъмоли мос равишда **12,8±0,7 г** ва **11,1±0,6 г** бўлди.

Таҳлил натижалари текширилувчиларнинг аксарияти Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсия қилган **5 г/кун**лик меъёрдан анча кўп туз истеъмол қилаётганини кўрсатди. Эркакларнинг 92,3 фоизи ва аёлларнинг 88,0 фоизида мазкур кўрсаткич тавсия этилган даражадан юқори эканлиги қайд этилди. Бу эса юрак-қон томир тизими касалликлари профилактикасида ош тузи истеъмолини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Натижалар муҳокамаси. Тадқиқот давомида олинган натижалар юрак-қон томир тизими касалликлари билан хасталанган беморларда ош тузини меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш ҳолати кенг тарқалганлигини кўрсатди. Ҳисобланган кўрсаткичлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган кунлик 5 г туз меъёридан икки баробардан ортиқ эканлиги аниқланди. Бу эса артериал гипертензиянинг ривожланиши ва юрак-қон томир асоратлари хавфининг ортиши билан боғлиқ муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотда 24 соатлик сийдикда натрий экскрециясини аниқлаш усули организмга тушаётган натрий миқдорини баҳолашнинг объектив ва ишончли мезони эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Мазкур усул иштирокчиларнинг ҳақиқий туз истеъмолини баҳолаш имконини бериб, сўровнома маълумотлари билан биргаликда овқатланиш хусусиятларини аниқроқ тавсифлашга хизмат қилди.

Жинслар кесимида ўтказилган таҳлиллар эркакларда натрий экскрецияси ҳамда кунлик ош тузи истеъмоли аёлларга нисбатан юқори эканлигини кўрсатди. Бу ҳолат эркаклар орасида туз истеъмолини чеклашга қаратилган профилактик тадбирларни янада кучайтириш зарурлигини англатади.

Мавсумий таҳлил натижалари ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, йилнинг қиш фаслида рационнинг умумий энергетик қиймати, ёғлар ва карбонсувлар миқдорининг ортиши билан бир вақтда ош тузи истеъмоли ҳам кўпайиши кузатилди. Шу билан бирга, сабзавот ва мева маҳсулотлари улушининг камайиши рационнинг биологик қийматини пасайтиради.

Бу ҳолат қиш мавсумида овқатланиш таркибини қайта кўриб чиқиш ва маҳаллий сабзавот ҳамда мевалардан кенгроқ фойдаланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Олинган натижалар халқаро тадқиқотлар маълумотлари билан уйғунлик касб этади. Кўплаб мамлакатларда аҳолининг ҳақиқий туз истеъмоли ЖССТ томонидан тавсия этилган меъёрдан юқори эканлиги қайд этилган. Бу эса натрий истеъмолини камайтиришга қаратилган аҳоли ўртасидаги профилактик дастурларни янада такомиллаштириш муҳимлигини тасдиқлайди.

Умуман олганда, тадқиқот натижалари юрак-қон томир тизими касалликлари бўлган беморларда туз истеъмолини мунтазам назорат қилиш, 24 соатлик натрий экскрециясини баҳолаш ва индивидуал нутрицион тавсияларни ишлаб чиқиш касалликларнинг асоратларини камайтириш ҳамда профилактика самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Хулоса. Ўтказилган тадқиқот натижалари юрак-қон томир тизими касалликлари билан хасталанган беморларда ош тузини меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш ҳолати кенг тарқалганлигини кўрсатди. 24 соатлик натрий экскрецияси маълумотлари асосида ҳисобланган кунлик ош тузи истеъмоли аксарият иштирокчиларда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган 5 г/кунлик меъёрдан анча юқори эканлиги аниқланди.

Тадқиқот натижалари эркакларда натрий экскрецияси ҳамда ош тузи истеъмоли кўрсаткичлари аёлларга нисбатан юқори бўлганлигини тасдиқлади. Бу эса мазкур гуруҳда юрак-қон томир касалликлари хавфини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Мавсумий таҳлил қиш фаслида рационнинг энергетик қиймати ва ош тузи юкламаси ошиши, шу билан бирга сабзавот ва мева маҳсулотлари улуши камайишини кўрсатди. Мазкур ҳолат рационни мавсум хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш ва туз истеъмолини чеклаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳимлигини тасдиқлайди.

24 соатлик сийдикда натрий экскрециясини аниқлаш аҳолининг ҳақиқий туз истеъмолини баҳолашнинг ишончли биомаркери сифатида ўз аҳамиятини намоён этди. Ушбу кўрсаткичдан эпидемиологик кузатувларда, нутрицион мониторинг жараёнларида ҳамда юрак-қон томир тизими касалликларининг профилактик дастурлари самарадорлигини баҳолашда самарали фойдаланиш мумкин.

Олинган натижалар юрак-қон томир тизими касалликлари билан оғриган беморларда овқатланишни оптималлаштириш, кунлик ош тузи истеъмолини камайтириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом овқатланиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган гигиеник ва нутрицион тадбирларни янада кенг жорий этиш зарурлигини асослайди.

REFERENCES/СНОСКИ/IQTIBOSLAR:

1. Махмудова М.Х., Хайдарова М.А., Туева Д.М. Гигиена питания при сердечно-сосудистых заболеваниях и её обучение с использованием информационных технологий // International Scientific Research Journal. -2026. -С. 1–7.
2. Махмудова М.Х., Худайберганов А.С., Хайдарова М.А. Юрак қон томир касалликлари билан оғриган ногиронлиги бўлган беморларда уй шароитида маҳаллий маҳсулотлар асосида ташкил этилган patsionал овқатланишнинг нутриетив статусига таъсирини гигиеник баҳолаш // Medical Journal of Young Scientists. -2026. -Vol. 18. -Issue 6. -P. 317–321.
3. Эрматов Н., Азизова Ф., Камилова А., & Камилов Д. (2026). Нутригеномика и биохакинг в гигиене питания: новые возможности персонализированной профилактики хронических неинфекционных заболеваний. South Aral Region Medical Journal, 2(4), 117-129.
4. Эрматов, Н. Ж., & Туракулов, Э. Х. (2026). Гипертония ташхиси қўйилган ҳарбий хизматчиларда касалланиш даражасини олдини олишга қаратилган гигиеник тавсиялар. Основы медицины, 1(10), 249-255.
5. Эрматов, Н. Ж., & Туракулов, Э. Х. (2025). Гипертония касаллиги ташхисланган ҳарбий хизматчиларнинг саломатлигини яхшилашда кун тартибига қўйиладиган гигиеник тавсиялар. Основы медицины, 1(6), 262-267.
6. Эрматов, Н. Ж., & Туракулов, Э. Х. (2025). Гипертония касаллиги ташхисланган ҳарбий хизматчиларнинг саломатлигини яхшилашда кун тартибига қўйиладиган гигиеник тавсиялар. Основы медицины, 1(6), 262-267.
7. Эрматов, Н. Ж., Азизова, Ф. Л., & Камилов, Д. Ю. (2026). Полимер маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларининг ёз мавсумида юқори хавф гуруҳига кирувчи озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмолининг гигиеник таҳлили. Медицинский журнал молодых ученых, (18 (06)), 476-482.
8. Эрматов, Н. Ж., Алимухамедов, Д. Ш., & Холбеков, Б. Б. (2025). Гигиенический анализ сезонного пищевого patsiona patsientов с пародонтитом (на примере Сурхандарьинской области). Основы медицины, 1(7), 348-351
9. Эрматов, Н. Ж., & Абдулхаева, З. А. (2024). Сурункали гломерулонефрит ташҳисланган беморларнинг куз мавсумида овқатланишни ўзига хос гигиеник таҳлил натижалари
10. Эрматов, Н. Ж., & Абдулхаева, З. А. (2024). Сурункали гломерулонефрит ташҳисланган беморларнинг куз мавсумида овқатланишни ўзига хос гигиеник таҳлил натижалари.
11. Шайхова Г.И., Эрматов Н.Ж. Нутрициология: дарслик. -Тошкент: Тиббиёт нашриёти матбаа уйи, 2023. -512 б.
12. Azizova, F. L., Ermatov, N. J., Kamilov, J. Y., & Kamilova, A. S. (2026). Hygienic analysis of body weight index and body condition of workers of polymer products manufacturing enterprises. Central Asian Journal of Medicine, (6), 70-74.

13. Campbell N.R.C., Webster J., Woodward M., et al. Salt reduction and prevention of hypertension // Hypertension. -2019. -Vol. 73. -P. 1121–1128.
14. Ermatov, N. J., & Ortikov, B. B. (2026). Hygienic analysis of daily diet of workers in the hot season. Журнал гуманитарных и естественных наук, (34 [2]), 82-85.
15. Ermatov, N. J., & Ortiqov, B. B. (2026). Ishchilarining mavsumiy ovqatlanish holatini gigiyenik tahlili. Вестник Ассоциаци Пульмонологов Центральной Азии, 19(14), 259-262.
16. Ermatov, N. J., Azizova, F. L., Alimukhamedov, D. S., Niyazmetov, M. A., & Kenjaboev, D. (2026). Hygienic analysis of the population's drinking water supply. Central Asian Journal of Medicine, (4), 287-297.
17. Ermatov, N., & Erkin, T. (2025). Hygienic Analysis of the Consumption of Essential Nutrients in the Autumn Season Among Military Personnel with Hypertension. American Journal of Medicine and Medical Sciences, 15(5), 1359-1363
18. Ermatov, N. J., Gaybullaev, A. A., & Kuchkarov, A. K. (2024). The Role of a Diet Composed of National Dishes in the Metaphylaxis of Calcium Oxalate Urolithiasis
19. Ermatov, N. J., Ortikov, B. B., Abdullayeva, D. G., & Bakhtiyorova, G. (2024). Hygienic analysis of the nutritional condition of the employees of textile enterprise.
20. Ermatov, N., Zukhrakhon, A., & Kenjabayev, D. (2024). Factor Hygienic Analysis of the Daily Diet in the Spring Period in Patients Suffering with Chronic Glomerulonephritis.
21. He F.J., Tan M., Ma Y., MacGregor G.A. Salt reduction to prevent hypertension and cardiovascular disease: JACC State-of-the-Art Review // Journal of the American College of Cardiology. -2020. -Vol. 75, No. 6. -P. 632–647.
22. Mozaffarian D., Fahimi S., Singh G.M., et al. Global sodium consumption and death from cardiovascular causes // New England Journal of Medicine. -2014. -Vol. 371. -No. 7. -P. 624–634.
23. Maxmudova M.X., Xudoyberganov A.S. Nutritional Characteristics of Persons with Disabilities // Web of Scientist: International Scientific Research Journal. -2025. -T. 6. -№ 10. -C. 91–96.
24. Nizom, E., Nurillo, M., & Irina, U. (2025). Hygienic Analysis of Winter Nutritional Status in Patients with Toxic Hepatitis.
25. Nizom, E., Nurillo, M., & Irina, U. (2025). Hygienic Analysis of Winter Nutritional Status in Patients with Toxic Hepatitis
26. Powles J., Fahimi S., Micha R., Khatibzadeh S., Shi P., Ezzati M., et al. Global, regional and national sodium intakes in 1990 and 2010: a systematic analysis of 24-hour urinary sodium excretion and dietary surveys worldwide // BMJ Open. -2013. -Vol. 3. -e003733.
27. World Health Organization. Global report on sodium intake reduction. -Geneva: World Health Organization; 2023.
28. World Health Organization. Healthy diet. Fact sheet. -Geneva: World Health Organization; 2026.
29. Rizaev J. A., Ashirov Z. F., Toshev S. U., Islamov N. H., Salamova L. A. [et al.]. Medical and organizational measures to improve the provision of medical care in the dermatovenerology profile // International Journal of Current Research and Review. – 2020. – Vol. 12, No. 24. – P. 120–122.
30. Ризаев Ж. А., Адилова Ш. Т., Пулатов О. А. Обоснование комплексной программы лечебно-профилактической стоматологической помощи населению Республики Узбекистан // Аспирант и соискатель. – 2009. – С. 73–74.
31. Alimdjanovich J. R., Ibragimovich A. K. Organization of monitoring of the quality of services provided for the prevention and fight against postpartum bleeding in women // Central Asian Journal of Medical and Natural Sciences. – 2021. – Vol. 2, No. 6. – P. 14–21.
32. Alimjanovich J. R., Agababyan L. R., Kamalov A. I. Prevention and treatment of postpartum hemorrhage // Central Asian Journal of Medical and Natural Sciences. – 2021. – Vol. 2, No. 4. – P. 204–209.
33. Whelton P.K., Carey R.M., Aronow W.S., et al. 2017 ACC/AHA Guideline for the Prevention, Detection, Evaluation, and Management of High Blood Pressure in Adults // Hypertension. -2018. -Vol. 71, No. 6. -P. e13–e115.

ISSN 2181-9300

DOI Journal 10.26739/2181-9300

БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ
JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000